

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВА ГУЛБАҲОР ПИРМАНОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР
ТИЗИМИ, ГЕНЕЗИСИ, БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: [811.512.133:811.111]373.231:82-343

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Назарова Гулбахор Пирмановна

Инглиз ва ўзбек адабиётида мифологик образлар тизими, генезиси, бадиий вазифалари..... 3

Назарова Гулбахор Пирмановна

Система, генезис, художественные функции мифологических образов в английской и узбекской литературе 24

Nazarova Gulbahor Pirmanovna

The System, Genesis, Literary Functions of Mythological Images in English and Uzbek Literature 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВА ГУЛБАҲОР ПИРМАНОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР
ТИЗИМИ, ГЕНЕЗИСИ, БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.2.PhD/Fil875 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ўраева Дармон Саидахмедовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедов Ойбек Сапарбоевич**
филология фанлари доктори, профессор

Рўзиева Мохичехра Ёқубовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

М.К. Бакаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, ф.ф.д., доцент

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қиёсий адабиётшунослигида турли халқлар адабиётининг қадимдан мифология билан чамбарчас боғлиқликда ривожланаётгани, афсона-асотирлар генезиси, мифологик ва лисоний тафаккурнинг бадиият ҳосил қилишда идеографик жиҳатларни келтириб чиқариши масалаларига қизиқиш янада кучайди. Шу маънода турли лингвомаданий контекстда юзага келган оғзаки ва ёзма ижод намуналарида тизим сифатида шаклланган афсонавий образларнинг мифологизация ҳодисасига дуч келиши натижасида юзага келган мифологизмларни, уларни воқелантирган омилларни, инсон онгидаги тасвирини, бадиий-эстетик функционалигини аниқлаш мифологик образ ва мифологизмларнинг нафақат жаҳон, балки инглиз ва ўзбек адабиётшунослигида ҳам бадиий талқинини, уларнинг жаҳон халқлари сўз маданиятига, поэтик тафаккур тарзи ривожига таъсир ўтказиш қонуниятлари ва тамойилларини илмий асослаш имконини беради.

Дунё адабий мифшунослигида миллий дунёқараши фарқли бўлган халқлар адабиёти намуналаридаги бадиий образлантирилган мифологик тасаввурлар, уларнинг поэтикаси, дин ва сеҳр алоқадорлиги масалалари атрофлича тадқиқ қилинган. Инглиз ва ўзбек адабиётида мифологик образлар ҳамда мифологизмлар турларини структурал-функционал кесимда объектив баҳолаш, уларнинг бадиий-эстетик ва бадиий-поэтик табиати, тарихий-фольклорий келиб чиқиш илдизлари, бадиий тадрижини белгилаш, мифологик образларнинг асар жанрий моҳиятини, улар шартлантирган мотивларнинг вазифадорлик қамровини асослаш каби устувор вазифалар анъанавий ва “неомифологик” матнларни яратиш тажрибасини илмий идрок этишга, фалсафий борлиқ ҳодисаларининг бадиий талқинини таъминлашга, дунё манзарасини мифик концептуаллаштириш ва тасаввур ҳосилаларининг моддийлашув тамойилларини илмий изоҳлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда юксак эътибор билан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган босқичда барча соҳалар каби қиёсий адабиётшунослик ҳам ўз олдига жаҳон стандартларига мос салмоқли тадқиқотлар яратиш вазифасини кўйди. «Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини, унинг бетакрор маданиятини ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш»¹ ҳар биримизнинг кундалик шиоримизга айланмоғи даркор. Маънавий мерос замонлар ўтиши билан кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди. Шунинг учун халқимизнинг тарихи ва маданиятини кўрсатувчи муҳим манбалардан бўлган мифларни, уларга алоқадор мифологик образларни инглиз адабиётидаги мифологик образлар, мифологизмларни қиёсий таҳлилга тортиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. –Тошкент, 2017 йил, 16 январь. – Б. 4.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2728-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги «ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мифоним ва мифологизмлар хусусияти, уларнинг таснифи ҳамда ёзма адабиётдаги ифодаси хусусида жаҳон ва рус олимларидан Д.Зеленин, К.А.Богомолова, В.Н.Басилов, Г.П.Снесарев, А.И.Баландин, Э.В.Померанцева, Е.М.Мелетенский, Д.Д.Фрезер, В.Я.Пропп, В.В.Евсюков, Э.Тайлор, С.А.Токарев кабилар самарали ишладилар². Е.М.Мелетенский миф поэтикасига махсус тўхталар экан, мифологик образлар қаторида мифологизмларга ҳам алоҳида илмий муносабат билдириб ўтган. Ш.Де Костер, К. Бриггс, У. Йитс, С. Жиберт, Ж. Ҳазард сингари инглиз ва америкалик адабиётшунослар миф ва афсоналар муносабатини анча изчил ўрганган мунаққидлар сифатида тадқиқотларида ҳам яққол кузатилади³.

²Зеленин Д. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М. – Л., 1937. – 77 с.; Богомолова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков. – Сталинабад, 1952. Выпуск 2. – С.109-120; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.; Снесарев Г.П. Три хорезмские легенды в свете демонологических представлений. – Советская этнография. – Москва. – 1973. – №1. – С.48-58; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – С.154-155; Баландин А.И. Мифологическая теория и проблемы поэтики // Проблемы фольклора. – М., 1975. – С.125-131; Померанцева Э.В. Мифологические персонажи в русском фольклоре. – М.: Наука, 1975. – 192 с.; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – Т.: Наука, 1976. – 407 с.; Мелетинский Е.М. Полеоазиатский мифологический эпос. Цикл Ворона. – М.: Наука, 1979. – 229 с.; Фрезер Д.Д. Золотая ветвь. Исследование магии и религии. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1983. – 703 с.; Фрезер Д.Д. Фольклор в Ветхом завете. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1985. – 511 с.; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: изд-во ЛГУ, 1986. – 366 с.; Евсюков В.В. Мифы о вселенной.– Новосибирск: Наука, 1988.– 176 с.; Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с. Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., Политиздат, 1990. – 623 с.

³ Де Костер Ш. Легенда об Уленшпигеле (перевод с английского Н.М.Любимова). – М.: Терра, 1997. – с. 474; Briggs K. British folk-tales and legends. – London and New York, 2002. – 415 p.; Yeats W.B. Fairy and Folk Tales of Ireland. – Bountly, 2004.

Ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида ҳам мифологик образлар тизимига илмий муносабат акс эттирилган ишлар орасида М.Жўраев, М.Нарзикулова, М.Афзалов, Ҳ.Зарифов, Ғ.Акрамов, К.Имомов, Х.Эгамов, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Ш.Шомусаров, Т.Л.Раҳмонов, Ж.Эшонқул, О.Қаюмов, М.Нарзикулова, М.Раҳмонова, Д.Тоғаева, Д.Файзиевалар амалга оширган илмий тадқиқотлар алоҳида эътиборни тортади⁴. Ўзбек адабиётшунослигида мифологизация, стилизация қилинган мифологик образларнинг этнофольклористик асослари муаммосига Н.Маллаев, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов, М.Ражабова, М.Нарзикуловалар илмий изланишларида алоҳида аҳамият беришган. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образлар ва мифологизмларнинг семантикаси, мифологизацияси, уларнинг ўрганилиши тарихи, ўзига хос хусусиятлари, генезиси, бадиий талқини яхлит тизим кўринишида илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан қиёсий аспектда текширилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ғарбу Шарқ адабиётида адабий анъаналар синтези” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиётидаги мифологик образ ва мифологизмлар тизимининг поэтик тамойиллари, бадиий-услубий талқин хусусиятлари ва шаклланиш тамойилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“миф”, “мифоним”, “мифопоэтоним”, “мифема”, “мифологема”, “мифологизм”, “мифологизация” тушунчаларининг лингвопоэтик моҳиятини очиб бериш;

мифологик образлар ва мифологизмларнинг инглиз ҳамда ўзбек адабиётида кўлланилиши, ўрганилиш тарихи, тарихий-фольклорий келиб чиқиш илдизлари, бадиий тадрижи, поэтик хусусиятлари, муштарак ва фарқли жиҳатлари борлигини кўрсатиш;

⁴Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.:Фан, 1964. – 68 б.; Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговор от образининг қадимий асосларига доир // Пўлкан шоир. – Т., 1976. – Б.65-88; Акрамов Ғ. Тотемистик мифлар. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1978. – №3. – Б.39-42; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – 252 б.; Эгамов Х. Совет шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 289 б.; Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. – Т., 1994; Жўраев М. “Алпомиш” достонида мифологик образлар // “Алпомиш” – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Т., 1999. – Б.149-154; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 б.; Жўраев М. Хоразм мифологиясида Хубби култи. – Илм сарчашмалари. – Урганч. – 2002. – №1. – Б.19-24; Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 б.; Раҳмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фанлари номз. дисс. – Т., 1997. – 159 б.; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 1996. – 28 б.; Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 170 б.; Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 1999. – 25 б.; Тоғаева Д. Инс-жинслар ҳақидаги ўзбек оғзаки ҳикояларининг образлар системаси. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2006. – №6. – Б.44-47; Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 22 б.

инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образ ва мифологизмларнинг турларини таснифлаш асосида типологик хусусиятларини борлигини далиллаш;

мифологик образлар, мифологизмларнинг бадиий асар жанрий табиатини белгилашдаги ўрнини, улар иштирокидаги мотивларнинг турларини ҳамда эстетик вазифаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек мумтоз ҳамда замонавий адабиётидаги миф, мифологик афсона матнлари, эртақ ва дostonлар, сонетлар, балладалар, ғазал ва рубоийлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек адабиётидаги мифологик образ ва мифологизмлар тизимининг поэтик тамойиллари, генетик илдизлари ва бадиий-услубий вазифалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, фалсафий-культурологик, ижтимоий-психологик, таснифлаш, функционал ҳамда тарихий-диахрон таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек адабиётидаги мифологик образлар ва мифологизмлар поэтик жиҳатдан ғаройиблик, магик қудратга эгалик, илоҳий кучлар томонидан бошқарилиш, серқирралик, ғайриоддий қобилиятларга эгалик каби ижобий; сеҳр-жодули, шавқатсиз, ёвуз ниятли, ташвиш келтирувчи, қўрқитувчи ва даҳшатга солувчи, бало-мусибат ва офат ёғдирувчи каби салбий хусусиятларининг муштараклик касб этиши аниқланган;

инглиз оғзаки ва ёзма адабиётидаги мифологик образлар ҳамда мифологизмларнинг турлари уларнинг хусусияти, яшаш жойи ва тарзи, келиб чиқишига кўра; ўзбек адабиётида эса улар пайдо бўлиш асоси ҳамда кўриниши ва хусусиятига кўра сюжетлар, композициялар яратишда намоён бўлиши далилланган;

оғзаки ва ёзма адабиётда мифологик образлар, мифологизмларнинг поэтик тамойиллари миф поэтикаси бадиий ифода воситалари, ижодкор услуби доирасидаги трансформацияси, бадиий-эстетик қонуниятлар, ёндашув тамойиллари, функционаллиги, қаҳрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш каби композицион вазифаларни бажаришда намоён бўлиши исботланган;

инглиз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиётидаги мифологизмларнинг образлар мифологизацияси натижасида вужудга келиши жараёнида ва асар жанрий табиатини белгилашда тарихий-фольклорий, бадиий-эстетик асосларнинг бирламчи, мифологизмларнинг ўрни, вазифалари, концептуал мотивлари эса иккиламчи характерда эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мифологик образлар ҳамда мифологизмларнинг поэтик тавсифлари келтирилиб, улар ҳозирги илмий тафаккур нуктаи назаридан гуруҳланганлиги аниқланган;

мифологик образлар ҳамда мифологизмларнинг ўзига хос бадиий-эстетик хусусиятлари ва вазифалари ҳамда қиёсий таҳлил асосида ёзувчилар томонидан мифлардан фойдаланишнинг ўхшаш ва ўзига хос томонлари ўрганилиб, тартибга солинган;

мифологик образлар ҳамда мифологизмларнинг оғзаки ва ёзма асарларда бадиийликни юзага келтиришдаги роли, анъанавий эпик сюжетлар тизимидаги ўрни ҳамда ўзига хос структуравий ва функционал, поэтик жиҳатлари аниқланиши ҳозирги ёш авлоднинг илмий дунёқараши, поэтик тафаккуруни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг илмий, бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар тарихий-қиёсий, баъзи ўринларда тавсифий, таҳлилий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиёти поэтикаси, образлар, мотивлар тизими ҳақидаги илмий тасаввурларни чуқурлаштириши, бир тизимга солиши, мифологик образлар ҳамда мифологизмларнинг поэтик қирралари жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигининг янгича концептуал назарий қарашлари асосида очиб берилганлиги, таснифлангани билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма таҳлиллардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга адабий-назарий маълумотлар беришда, инглиз ва ўзбек тили ҳамда адабиётини қиёсий ўргатишда, уларга алоқадор дарслик, ўқув қўлланма ва мифонимлар луғатини тузишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек адабиётида мифологик образлар тизими, генезиси, бадиий вазифаларининг қиёсий тадқиқини амалга ошириш жараёнида эришилган натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек адабиётида мифологик образлар генезиси ҳамда мифологизацияси тадрижи, мифологик образлар тизимининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари, поэтик хусусиятлари масалаларига доир хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919А-1-118 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 88-87-1826/04-сон маълумотномаси). Натижада мифологик образлар, мифологизмларнинг инглиз ҳамда ўзбек фольклори ва адабиётида қўлланилиши, ўрганилиш тарихи, тарихий-фольклорий илдизлари, бадиий тадрижи, поэтик хусусиятлари, муштарак ва фарқли жиҳатлари аниқланган, уларнинг иккала халқ адабиётида учрайдиган турлари таснифланиб, шулар асосида типологик хусусиятлари белгилаб кўрсатилишига эришилган;

инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образлар тизими ва уларга алоқадор мифологизмлар, уларнинг номланиши ва ўзига хослиги, инглиз ҳамда ўзбек ёзма адабиётида мифологик образларнинг мифологизацияси масалаларига оид хулосалардан SUZ800-20-IN0098 “Инглиз тили драма клуби” мавзусидаги грант лойиҳасида фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 24 июндаги 05-01-0205-сон маълумотномаси).

Натижада инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образлар қатнашган асарлар аниқланиб, уларнинг номланиши ва ўзига хослиги, поэтик хусусиятлари кенг таҳлил этилишига эришилган;

инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образларнинг типологик хусусиятлари, уларнинг бадиий вазифаларидаги ўхшашликлари билан боғлиқ хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Замондош” дастурида фойдаланилган ва тадқиқотчи билан бевосита телесуҳбат олиб борилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 июлдаги 183-сон маълумономаси). Натижада инглиз ва ўзбек адабиётидаги мифологик образлар ҳамда мифологизмларнинг этимологияси, таркиби, таснифи, уларнинг миллий-маданий жиҳатлари, афсона ва эртакларда, айрим ижодкорлар асарларида акс этишига хос хусусиятлар ҳақидаги илмий тасаввур-тушунчаларнинг бойитилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 11 та республика, 2 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорийланиши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миф” билан алоқадор тушунчаларни ифодаловчи терминларнинг моҳияти ва қўлланиши** деб аталган биринчи боби “Миф”, “мифоним”, “мифологизм”, “мифологизация”, “мифологема” тушунчаларининг моҳияти”, “Инглиз ва ўзбек адабиётида мифологик образлар генезиси ҳамда мифологизацияси тадрижи” номли икки фаслдан таркиб топган бўлиб, уларда “миф”, “мифоним”, “мифологизм”, “мифологизация”, “мифологема” атамаларига берилган таърифлар, уларнинг моҳияти, инглиз ва ўзбек адабиётида мифологик образлар генезиси ҳамда мифологизацияси ривожланиш босқичлари тўғрисида фикр юритилган.

Миф сўзи грекча “mythos – сўз, ривоят” сўзидан олинган бўлиб, инсонларнинг илк ижод шаклини англатади. Миф энг қадимги фольклор намунаси, халқ оғзаки насрининг алоҳида жанри ҳисобланади. “Миф” деганда, энг қадимги давр фольклорининг илк босқичида ибтидоий инсонларнинг олам ва одам, осмон жисмлари яралиши, табиат

ходисаларининг юз бериши, уларнинг худолар томонидан бошқарилиши, ҳайвонлар, ўсимликлар, предметлар дунёсининг пайдо бўлиши ҳақида ҳаёлий уйдирмага асосланиб ҳикоя қилинган ихчам шаклли кичик содда ҳикоялар тушунилади. Уларнинг таркибида инсон персонаж келтирилмайди.

Мифологик дунёқараш, мифологик мушоҳада, мифологик ишонч, мифологик тасаввур-тушунчалар ҳосиласи бўлган мифларни ўрганувчи фан соҳаси “Мифология” деб аталади. Миф ва мифология адабиётшуносликдаги энг муҳим, аҳамиятли терминлардандир. Чунки мифнинг инсоният бадий тафаккури ривожда тутган ўрни беқиёслиги дунё фольклоршунослигида аллақачон тан олинган.

Миф атамасига М.И. Стеблин-Каменский куйидагича таъриф берган: “Миф – бу муайян воқелик баёни бўлиб, унда ҳикоя қилинган воқеа-ходиса нечоғлик уйдирма бўлмасин, яратилган ва яшаб келган жойида у ҳамиша ҳақиқат, реал воқелик ифодаси сифатида қабул қилинган. Албатта, мифни ўрганадиган тадқиқотчи ундаги уйдирмага ишонмайди. Шунинг учун ҳам миф бугунги кунда ҳаққоний ҳаётий воқелик ифодаси сифатида англашилмайди. Шу тариқа тадқиқотчининг миф ҳақидаги ўз тасавури, яъни, “миф – уйдирмадир” деган қараш иезага келади. Яратилган ва оммалашган жойида миф аслида реал воқелик ифодаси деб тушунилан. ⁵

А.Ф.Лосев ва Б.Малиновскийлар фикрича, миф дунё ривожланишининг қадимий шакли бўлиб, ўз ичига аниқ тушунчаларни қамраб олувчи ва шунинг учун дунёни тушуниш усули сифатида абадий мавжуд бўлувчи тушунчадир⁶.

М.Жўраевнинг “Фольклоршунослик асослари” ва яна Ж.Эшонқулов билан биргаликда яратган “Фольклоршуносликка кириш” қўлланмаларида мифлар шундай таърифларган: “Миф қадимги одамнинг борлиқ ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган.” Яъни, ибтидоий жамоа тузумида инсон онги тўла ривожланмаган бўлганлиги сабабали, атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларнинг сабабини мифологик тасаввурлар орқали изоҳлаган. Шунинг учун миф энг қадимги тасаввурлар жамланмаси ҳисобланади. Миф қадимги одамнинг онгсиз ҳиссий муносабати ифодасидир.

“Мифологема” сўзи ҳам юнон тилидан олинган бўлиб, тўғридан-тўғри маъноси “сўз”, “нутқ”ни билдиради. Иккиламчи маънолари эса: 1. Суҳбат. 2. Маслаҳат, кўрсатма. 3. Мунозара мавзуси. Муаммо. 4. Фикр, режа. 5. Мақол, матал. 6. Хабар, миш-миш. 7. Ҳикоя. 8. Афсона, миф,эртак, 8. Масал, матал, фабуладир. Биргаликда йиғилган сўзлар матнни, яъни ўзига хос хусусиятлари, сюжет мавжудлиги ва коммуникатив йўналтирилганлиги мифологемани беради.

⁵Стеблин-Каменский М.И. Миф. – Л: Наука, 1976. – С.4-5.

⁶Лосев А.Ф. Бытие – имя - космос. С.28; Малиновский.Б. Магия, наука и религия: пер.с англ. Сост. С.Л.Удаков. – М.: Рефл-бук, 1998. – С.98.

О.М.Фрейденберг мифологемаларни поэтик ҳикоя (пересказ) сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, ушбу сўзда “пере” олд кўшимчаси муҳим роль бажариб, сўзни янгича маънода талқин этади. Яъни бу кўшимча “сказ” (айтмоқ) сўзига кўшилиб, мифологема – қадимий тушунчаларнинг қайта баёни ёки талқин этмоқ деган маънони ўз ичига олади.

Шунингдек, “неомифологик” матнларни яратиш тажрибаси ҳам мавжуд. Демак, мифопоэтика мифопоэтик моделларга йўналтирилган адабиёт ҳодисаларини, уларнинг генезиси, ривожланиши ва оламнинг яхлит манзарасини яратиш, анъанавий тасвирларни ўзгартириш вазибаларини аниқлашни талаб этади. Уни ўрганиш усулларини тақдим этади.

Мифологик образлар инглиз ҳамда ўзбек адабиётида бир неча асрлар олдинги оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида кенг қўлланиб келинмоқда. Қадимги инглиз адабиётидан то ҳозирги замонавий адабиёт намуналарида ҳам мифологик образларни учратиш мумкин. Эльфлар, парилар, гоблин ва троллар, аждаҳолар инглиз адабиётининг оғзаки ҳамда ёзма намуналарида кўп учрайдиган мифологик образлардир.

Норман Талбот Британия адабиётининг тамал тоши ҳисобланган Беовульф асаридаги Кейннинг фарзандлари “ylfe” (эльф) эканлигини айтиб ўтган.⁷ Соҳира ва эльф образлари баъзан синоним сифатида ҳам ишлатилади, аммо, кўпчилик ҳолатларда улар икки хил образ кўринишида гавдаланган. Бу икки мифологик образ лингвистик келиб чиқиши жиҳатидан турличадир. Эльф сўзининг келиб чиқиши қадимий инглиз тилига бориб тақалиб, Скандинавия мифологиясидан келиб чиққан. Соҳира (fairy) эса роман тилларидан келиб чиқиб, замонавий адабиётда кенг ишлатилади.

В.Шекспир ўз шеърларида соҳиралардан фойдаланишда ўзгача услубдан фойдаланади ва соҳираларни олдинги давр адабиётларидек кучли, бақувват аёлдан ювош, бўйсунувчан қиёфадаги образга айлантиради. Бундан кейинги давр адабиётида соҳиралар, асосан, шу кўринишда ифодаланишда давом эттирилаверади. Титания инсонларга ўхшаш кўринишда тасвирланган бўлишига қарамай, бунинг хизматкорлари бўлмиш бошқа соҳиралар жуда кичик қилиб тасвирланган. Инсонларга хос кўринишга эга бўлган Титания соҳирасидан ташқари, Шекспир ўзининг машҳур асари “Ромео ва Жульетта”да ҳам соҳиралардан фойдаланган. Ушбу асардаги Меб образи, олдинги соҳиралардан фарқи ўлароқ, ёнғоқдек жуда кичкина ва нозикдир. Унинг бундай кўриниши Ўрта асрлар Британия адабиётида тасвирланган мағрур, мафтункор соҳиралардан анча фарқлидир. Аксинча, Шекспир Мебни очкўз, бойликка ўч сифатида тасвирлайди. Қадимги Британия адабиёти намуналаридаги соҳиралар, одатда, жуда кўп бойликка эга бўлиб, ўз севгилисини бойликлар билан сийлаб турадиган хусусиятга эга бўлса, Шекспир асарларидаги соҳиралар, хусусан, Меб бир оз очкўз ва мағрурликдан анча йироқ қилиб тасвирлаган. Масалан:

*O'er courtiers' knees, that dream on cur'sies straight;
O'er lawyers' fingers, who straight dream on fees.*

Ушбу мисрада соҳиранинг сарой амалдори тиззаси ҳамда ҳуқуқшунос бармоқлари устидан учиб бориши унинг жуссаси қанчалик кичик

⁷Talbot Norman. “Where Do Elves Go To? Tolkien and a Fantasy Tradition”. *Mythlore*, 21:02(1996). – Б. 94-106.

эканлигидан далолат беради. Шекспир сохираларни “хонакилаштириш”да икки хил усулдан фойдаланади: уларни кулгили ва жуссаси кичкина ёки ҳар иккала хусусиятга эга кўринишда тасвирлайди. Сохираларнинг бу кўриниши кейинчалик Стюарт даври адабиёти намояндалари Уильям Броуни, Роберт Херрик ижодида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбек фольклорида ҳам мифологик образлардан фойдаланиш намоён бўлиши жуда қадимги даврлардан буён давом этиб келмоқда. Масалан, Ўрта Осиёда яшайдиган халқларнинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ мифларнинг дастлабки намуналари “Авесто” китобида берилган. XI асрдаги афсоналар қайд этилган “Китоби Дада Қўркут” ва XIII асрда яшаган Ўғуз хоқон ҳақидаги “Ўғузнома” деб аталган китобларда туркий қабила ва уруғлар тарихи ҳақидаги мифик тасаввур ифодалари ўрин олган. Ўзбек адабиётининг анъанавий мифологик персонажлари силсиласидаги дев, пари, аждар, Семурғ, аранглар, эранлар, Ашшадарози, Қорасоч Она, Ҳайдар, Ахриман, Сиёвуш, Хубби, Жўмард, Аҳман-Даҳман, Аяъмажуз, Хезим-хирмон, Гавомард, Жамшид, Баворис Бобо, Фаридун, Гулли биби, Қари Олов хўжа, Ҳорут билан Морут, Хурмуз, Заҳҳок, Султ хотин каби образларнинг қадимий асослари “Авесто”га бориб тақалади. Масалан, дон экиш, ҳосил йиғиш ҳақидаги қуйидаги мисраларда дев образининг ифодаланганлигини кўриш мумкин:

“Кимдаким буғдой экса, у Ашаҳ (Ҳақиқат) ни экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради...

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан қочадилар.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйинини чирмаб ташлайди”.

“Авесто”дан олинган ушбу парчада дев даҳшатли маҳлуқ сифатида таърифлаган. Демак, қанчалик экин-текин ва ҳосилдорлик мўл бўлса, девлар шунчалик даҳшатга тушади, қайси бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлашмайди ва инсон меҳнати ҳар қандай балою офатларни даф этади. Ўзбек афсона ва эртақларида дев салбий хусусиятда тасвирланган.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби **“Инглиз ҳамда ўзбек фольклоридаги мифологик образлар тизимининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган. Ушбу бобда инглиз фольклоридаги мифологик образлар тизими ва уларга алоқадор мифонимлар, ўзбек фольклоридаги мифологик образлар тизими, номланиши ва ўзига хослиги, инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образларнинг типологик хусусиятларига оид назарий ва амалий таҳлиллар ўрин олган.

Маълумки, бутун дунё халқларининг фольклор намуналари ўзига хос мифологик образларга бойдир. Улар миф, афсона, эртақлардаги хаёлий образларни англатиб келади. Мифологик образлар турлича тасниф қилинган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инглиз мифологиясида ранг-баранг мифологик персонажларни учратиш мумкин. Масалан, инглиз эртақ ва афсоналарида *орк* (orks) номли персонажлар мавжуд бўлиб, улар, асосан, салбий характерга эга мифологик образ ҳисобланади ва жуда ахлоқ, ёвуз, қонхўр жаллод сифатида тасвир этилгани кузатилади. *Эльфлар* (elves) Британия фольклорида ўзининг ғайриоддий хатти-ҳаракатга эгаллиги сабабли аралаш хусусиятли, яъни баъзан меҳрибон, баъзан ёвуз мифологик характер сифатида тавсифланади ва тасвирланади. Британия афсоналарида эльфларнинг бир неча турлари мавжуд. *Троллар* (trolls) ҳам эльфларнинг бир тури бўлиб, оркларга ўхшаб салбий характерли образ ҳисобланади. *Баншилар* (Banshee) инглиз фольклорида аёл кўринишида тасвирланган ёвуз мифологик образлардан биридир. “Банши” сўзи ирландча “bean sí” сўзидан олинган бўлиб, “Ши қишлоғининг аёли” маъносини ифодалайди. Британия фольклорида кўп тарқалган мифологик образлардан яна бири *великанлар* (Giants) ёки улкан одамлардир. Инглиз мифологиясида яна машҳур ва кенг тарқалган мифологик образлардан бири *гоблин* (goblins)лар бўлиб, улар кўриниши жиҳатидан одамга ўхшаса-да, жуда бадбашара ва қаҳрга тўла мифологик характерли махлуқотлар ҳисобланади. Британия афсоналарининг яна бир машҳур қаҳрамони *хоббитлар*дир. Кўпчилик хоббит (Hobbits)лар образини инглиз ёзувчиси Жон Толкин яратган деб ҳисоблайди. Аммо хоббитлар унеча, бир неча асрлар олдин мифологик образ сифатида машҳур бўлган ва улар инглиз ижодиётида энг меҳрибон фаришталар образини ифодалайди. Британия фольклорида энг кўп учрайдиган ижобий мифологик образлардан бири *феялар*, яъни *соҳиралар* (Fairies) ёки *парилар*дир. Соҳиралар инглиз афсоналарида учиб юрадиган ва қўлида сеҳрли таёқчаси билан мўъжизалар яратишга тайёр капалак ёки капалакча кўринишидаги образлардир. *Браунилар* (Brownie) Британия мифларида ўзининг ҳеч кимга зарари тегмайдиган характери ҳамда қўнғир тусдаги уй кўрикчилари экани билан ажралиб туради. Уларнинг исмлари рангидан келиб чиққан. *Гномлар* (gnomes) Британия мифологиясида кенг тарқалган образлардан яна биридир. Гномлар аждарларнинг асосий душмани бўлиб, аждарлар билан тўқнашувда улар ғолиб бўлиб чиқишади. Бундан ташқари, Ирланд афсоналарида *Вампирлар* (Vampires) образи ҳам энг кўп ёритилган эга образлардан бири. Вampirлар образи XXI асрга келиб, ўз машҳурлигини йўқотган бўлишига қарамай, ҳали ҳам бир қатор миллатлар адабиётида сақланиб келаётир.

Ўзбек фольклоридаги мифологик образлар, асосан, икки асосда пайдо бўлган:

1. *Зардуштийлик билан боғлиқ мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган мифологик образлар*. Бунга эзгулик худоси Ахурамазда, ёвуз дев Ахриман, Митра, Хурмуз, Миррих, Ардвисура (Анахита), Нохит, аранглар, Заҳҳок, Биварасп, Киршасп (Гершасп), Аржасп, Йима (Жамшид), Каюмарс, илк фоний одам – Гайа Мартан ёки Гавомард, Аша, Ажи даҳақа, Бушаста, дайва, парийика, жинлар образлари мисол бўлади.

2. *Араб мифологияси таъсирида кириб келган мифологик образлар:* Анко, жин, ғул, Одами Од, морут, лот, манот ва бошқалар.

3. *Ислом динига эътиқодни ифодаловчи мифологик образлар:* Хизр, Азроил, жин, Мункар-Накар, Ҳорут ва Морут каби.

Сеҳрли-фантастик эртақларда дев, пари, жодугар, алвасти, жин сингари мифологик образлар кўп учрайди. Улар турли қиёфага кира олади. Бундай хусусият Хизр, Симурғ, Ялмоғиз кампир ва аждар (уч бошли, етти бошли) каби мифологик образларга ҳам хос.

Хизр, Симурғ каби мифологик образлар ҳомий вазифасида ижобий хусусиятда талқин қилинади. Ялмоғиз кампир, пари, дев, жин кабилар гоҳ ҳомий сифатида ижобий, гоҳ рақиб сифатида салбий образ қилиб кўрсатилган.

“Инглиз ҳамда ўзбек адабиётидаги мифологик образларнинг поэтик вазифалари ва мифологизацияси” номли учинчи бобда инглиз ва ўзбек фольклоридаги мифологик образлар бадий вазифаларининг ўхшашлиги ҳамда ёзма адабиётда мифологик образларнинг мифологизацияси ва мифологизмларнинг ўзига хослиги хусусида олиб борилган тадқиқот натижари келтирилган.

Соҳира ёки пари мифонимининг луғавий маъноси таҳлил қилинганда, унинг бир неча маъноларни ифодалаш ва “faerie” сўзи мураккаб, кўп маъноли атама эканлиги ойдинлашди. Масалан, “Оксфорд инглиз тили луғати”да унга қуйидагича таъриф берилган:⁸

1. The land or home of the fays; fairy-land. (Соҳиралар макони ёки эльфлар уйи).

2. A collective term for the fays or inhabitants of fairyland; fairy-folk. (Сеҳргарларни умумлаштирувчи термин ёки соҳиралар маконида яшовчилар, сеҳргарлар).

3. Enchantment, magic; a magic contrivance; an illusion, a dream. (Сеҳр, афсун; сеҳрли тўқима образ, хаёлот, хаёл).

4. a. One of a class of supernatural beings of diminutive size, in popular belief supposed to possess magical powers and to have great influence for good or evil over the affairs of man. (Сеҳрли кучга эга бўлган ва кишиларнинг яхши ва ёмон ҳаракатларида катта таъсир кўрсата оладиган кичкина ўлчамдаги ғайритабиий мавжудотлар гуруҳи). b. Fairy of the mine: a goblin supposed to inhabit mines, fairy of the sea: a Nereid. (Ер ости, яъни шахталарда яшовчи гоблинлар, денгиз соҳиралари (Нерейд). Соҳираларни немис фольклор адабиёти намуналаридан кириб келган гоблин ёки гном мифологик образлари билан бир турдаги мифологик образ сифатида ифодаланганлигини баъзи асарлар мисолида кузатиш мумкин. Масалан, Жон Милтон асарларида соҳиралар ер ости сирли мавжудоти кўринишида тасвирланган.

5. a. One possessing more than human power; an enchantress. (Инсонлардан кучлироқ мавжудот; афсунгар). b. Кичкина жозибали аёл ёки бола.

⁸ The Oxford English Dictionary. The Oxford English Dictionary Online. <http://www.dictionary.oed.com/cgi/entry/50081791?query_type=word&queryword=fairy&first=1&max_to_show=10.html>

Иккала халқ оғзаки адабиётида ҳам парилар қадимий, мифологик образ ҳисобланади. Ўзбек ёзма адабиётида пари дастлаб «Авесто»да “пайрика” шаклида учрайди. Афсоналарга кўра, парилар ўз шоҳи ва салтанатига эга бўлишган. Уларни ғайритабиий кучлар – девлар кўриқлаган. «Гўрўғли» туркуми дostonларида парилар вафодор аёл, дўст, маслаҳатгўй, ақлу фаросатда, жасоратда ва обрўда кўпинча эркаклардан ҳам қолишмайдиган, ҳатто ўз ёри билан бирга жангларга ҳам кириб, қаҳрамонлик кўрсата оладиган образ сифатида тасвирланган.

Ўзбек оғзаки адабиёти намуналарида ҳам пари образи кенг тарқалган. Улар тўрт хил қиёфада тасаввур этилган ва тасвирлаган:

- а) антропоморф, яъни инсон қиёфасида тасаввур қилинган парилар;
- б) зооморф, яъни бирор бир ҳайвоний қиёфасида тасаввур қилинган парилар;
- в) курама, яъни ярим инсон, ярим жонивор тарзидаги гибрид кўринишда тасаввур қилинадиган парилар;
- г) тимсолий қиёфа, яъни нарса-ҳодисалар тарзида тасаввур қилинган парилар.⁹

